
«МИРАНДА ҚОИДАСИ» НИМА ДЕГАНИ?

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши белгилаб қўйилади.

«Миранда қоидаси»га биноан ушланган шахс сукут сақлаш, сўроқ жараёнида адвокати иштирокини талаб қилиш ва бошқа ҳуқуқларга эгаллиги содда тилда шахсга илк сониялардаёқ тушунтирилади. Масалан, "адвокатга мурожаат қилишингиз мумкин... сўзларингиз судда ўзингизга қарши ишлатилиши мумкин... сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз», каби.

Шунингдек, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан кўп муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-08-08 07:55:33